

3. Изетаева Г.К. Ўқитишнинг кредит технологияси – математика таълими ривожланишнинг омили сифатида. “Математика фани ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман, Андижон – 2011 йил 8-9 ноябрь, 149-151 бет.
4. Мырзалиев Б.А. и др. Кредитная система обучения: опыт внедрения, проблемы и перспективы. -Шымкент, 2005.-223с.

### **ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: НОРВЕГИЯ ДАВЛАТИ МИСОЛИДА**

**Лутфуллаев П.**

*Ушбу мақолада Норвегия таълим тизими ва унинг хусусиятлари очиб берилган. Айниқса, олий таълим тизимидаги жараёнлар кенг таҳлил этилган. Шу билан бирга Ўзбекистон ва Норвегия ОТМлари ўртасидаги ҳамкорлик ишлариغا ҳам тўхталиб ўтилган.*

### **СВОЕОБРАЗИЕ ЗАРУБЕЖНОГО ОБРАЗОВАНИЯ: НА ПРИМЕРЕ ГОСУДАРСТВА НОРВЕГИИ**

**Лутфуллаев П.**

*В данной статье рассматривается система образования Норвегии и её своеобразие. В том числе широко проанализированы учебные процессы системы высшего образования. А также, отдельно освещается сотрудничество вузов Норвегии и Узбекистана.*

### **THE SPECIFIC PECULARITIES OF HIGHER EDUCATION IN FOREIGN COUNTRIES: CASE OF NORWAY**

**Lutfullayev P.**

*In this article the Norwegian system of education and its peculiarities are highlighted. Especially the processes in higher education system are more discussed. Besides, it also reviewed the cooperation between Uzbek and Norwegian higher educational institutions.*

Норвегия давлати Фарбий Европанинг шимолида жойлашган бўлиб 385178 кв. км. майдонга эга. Айни кунда 5 миллиондан кўпроқ аҳолига эга бўлган бу давлат Европанинг энг бой ва ижтимоий муҳофазаси кучли давлатларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг турмуш тарзи бўйича дунё мамлакатлари ичида энг юқори кўрсаткичга эга. Норвегияда жами 39 та давлат ОТМлари мавжуд бўлиб, талабаларнинг умумий сони 200 мингдан ошади. ОТМларнинг 8 таси университетлар, 6 таси университет даражасидаги ихтисослашган институтлар, 23 таси университет коллежлардир. Барча ОТМлар давлат томонидан молиялаштирилади. Шу билан бирга хусусий мақомдаги ОТМлар ҳам мавжуд. Уларнинг сони 7 та бўлиб, 20 мингга яқин талаба таҳсил олади. Хусусий ОТМлар турли ташкилотлар, диний жамиятлар ва жамоат ташкилотларига тегишлидир. Хусусий ОТМлар Норвегия давлати таълимни молиялаш фонди (Norwegian State Educational Loan Fund) томонидан грант билан таъминланади. Хусусий ОТМлар ҳам давлат аккредитациясидан ўтган бўлиши шарт. ОТМлардаги аккредитация таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўтказилади.

2003 йилдан Болония жараёни талабларига жавобан 3 босқичли, яъни 3+2+3 олий таълим тизимига ўтилди. Бунда бакалаврият 3 йил давом этиб, унда талабага таълим йўналишлари бўйича ўзак (асос) билимлари берилади. Магистратура 2 йил давом этади. Лекин аввалги 5 йиллик мутахассислик олий таълим босқичи ҳам сақланиб қолган. Масалан, баъзи ОТМлардаги архитектура, стоматология, ҳуқуқ каби соҳалар 5 ёки 5 ярим йил давом этади ва магистр даражаси берилади. Баъзи касбий дипломлар 6 йил давом этади. Масалан: хирургия, ветеринария, психология, илоҳиёт каби соҳаларда етук мутахассис бўлиш учун 6 йил давомида таълим олиш зарур ва натижада магистр даражасига муқобил диплом берилади. Магистратура 3 хилда турда бўлиб, улар фан магистри (Master of Science), фалсафа магистри (Master of Philosophy), технология магистри (Master of Technology) каби турларга бўлинади. Докторантура 3 йилдан иборат этиб белгиланган.

Шу ўринда юқори ўрта мактаб ҳақида батафсил тўхталиб жоиз. Бу босқич Upper secondary education деб аталиб, Ўзбекистон таълим тизимидаги 3 йиллик касб хунар ёки академик лицей таълим босқичига мос тушади. Фарқи шундаки, унда таълим йўналишлари кам кенг қамровли бўлиб, асосан, қуйидаги соҳаларга бўлинади.

Умумий йўналишлар (Programs for General Studies):

- умумий мутахассислик соҳаси (Program for Specialization in General Studies);
- спорт ва жисмоний тарбия соҳаси;
- мусиқа, рақс ва драма соҳаси;

Касб таълими соҳаси:

- бино ва қурилиш соҳаси,
- дизайн, санъат ва хунармандчилик соҳаси,
- электр ва электроника,

- саломатлик ва ижтимоий ҳимоя,
- медиа ва коммуникация,
- қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмон хўжалиги,
- Ресторан ва озиқ овқат ишлаб чиқариш саноати,
- сервис ва транспорт,
- техника ва ишлаб чиқариш саноати.

Бундан кўринадики, юқори ўрта мактабни тамомлаган ёшлар жамият ва иқтисодиётнинг кўпроқ тармоқларида иш топа олишлари мумкин. Ишчиларнинг тажриба ва малакаларини мунтазам ошириб бориш учун иш жараёнида қисқа муддатли қайта тайёрлов ўқишлар ташкил этилади. Бунда ишчининг олган таълим даражаси эмас, балки иш тажрибасининг юқорилиги рол ўйнайди. Юқори ўрта мактаб битирувчиси иш тажрибаси ва меҳнат самарадорлигига қараб раҳбар лавозимларига ҳам кўтарилиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда таълимнинг бу бўғинига эътибор жиддий.

Норвегия олий таълим босқичида университет коллежлар муҳим аҳамиятга эга. Жами 25 та университет коллежлар мавжуд бўлиб, улар ижтимоий, иқтисодий ва касб-хунар соҳалари бўйича бакалавр даражасига эга бўлган кадрларни тайёрлайди. Университет коллежларда магистратура ва докторантура таълими ҳам мавжуд. Университет коллежлардан фарқли равишда университетларда амалий ва назарий илмий тадқиқотлар кенг йўлга қўйилган. Университет коллежларда қайта таёрлов ва қисқа ўқув курслари ҳам кенг йўлга қўйилган.

Норвегия каби кам сонли аҳолига эга бўлган жамиятларда хорижий тил ўта муҳим бўлиб, у нафақат жаҳон миқёсида мулоқот қилишга, балки қўшни Европа давлатлари билан ҳам алоқа қилиш учун асосий тил воситаси ҳисобланади. Шу сабабли, Норвегия бошланғич синфларида инглиз тилини биринчи хорижий тил сифатида ўқитилади. 1960 йилларда 5 синфдан ўқитила бошланди. 1974 йилдан 3 синфдан, 1997 йилдан эса 1 синфдан ўқитила бошланди. Ҳозирда Инглиз тили бошланғич, ўрта таълим ва юқори ўрта таълимнинг барча бўғинларида мажбурий ҳисобланади. Олий таълимда эса маъруза матнлари ва ўқув адабиётларнинг деярли катта қисми Инглиз тилида ёзилган. Бу эса талабаларни Инглиз тилини академик даражада билишларини тақозо этади. Норвег тили маҳаллий ва миллий тил бўлсада, замонавий Норвегияда одамлар ўзларини инглиз тилисиз эркин ҳис қила олмайдилар. Кундалик ҳаётда кўп учраб турадиган мулоқотлар, реклама, мусиқа, кино ва бошқаларнинг кўп қисми инглиз тилида берилади. Айниқса, дунё саҳнасидаги кинолар дубляж қилинмайди, балки субтитр (Норвегчада) орқали намоёниш қилинади. Оммавий ахборот воситаларида инглиз тилини кенг қўлланилиши туфайли болалар биринчи синфни бошлашдан аввал инглиз тилида маълум бир даражадаги кўникмага эга бўлади. Бу эса тилни тезроқ ва осонроқ ўзлаштирилишига катта туртки бўлади. Машҳур қўшиқчилар эса айнан инглиз тилида куйлагани учун дунёга танилган. Умуман олганда, норвег ёшлари орасида инглиз тилини билиш мажбурий эмас, балки ҳаётини эҳтиёжга айланган.

Лекин баъзан гап маънолари норвег тилидан таржима қилинганлиги туфайли соф инглиз тилидаги гап кўриниши йўқолади. Бу эса чет тилларни ўрганишга хос бўлган муаммо ҳисобланиб, барча мамлакатларда учраб туради. Шу билан бирга иккинчи чет тили ҳам мавжуд. Бу мажбурий эмас, танлов фан ҳисобланади. Немис тили иккинчи тил сифатида кенг тарқалган, ундан кейин эса ФРАНЦУЗ ва Фин тиллари туради.

Замонавий Норвегия олий таълим тизими уч хил принциплар асосида ривожланиб боради:

1. Болония жараёнига мувофиқ ҳолда академик ва илмий даражаларни такомиллаштириб бориш.
2. Халқаролашув ва халқаро алоқаларга кенг йўл бериш.
3. Талаба, ўқитувчи ва илмий тадқиқотчиларни халқаро алмашинуви дастурларида қатнашишларини кўпайтириш.

Шу туфайли ҳозирги кунда Норвегия ОТМларида чет тилларни ўрганишга ва хорижда қисқа муддатли таълим олишга қизиқиш жуда катта. Айниқса, Эрасмус Мундус дастури бўйича минглаб ёшлар дунёнинг етакчи ОТМларида 1 ёки 2 семестр муддатга таълим олиб қайтишган.

Норвегия таълим тизимида таълим сифатига катта эътибор қаратилади ва доимий равишда сифат кафолати талабларига риоя қилинади. Сифат кафолатига риоя қилиш «Норвегиянинг таълимда сифат кафолати агентлиги» томонидан мувофиқлаштирилади. Унинг қисқача номи NOKUT деб юритилиб, инглиз тилида Norwegian agency for Quality Assurance in Education деб номланади. NOKUT 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, мустақил агентлик ҳисобланади. Норвегия таълим муассасаларига ташқи баҳо бериш, ОТМларни аккредитациялаш ва сифат кафолати ишлари билан шуғулланади. Шу билан бирга NOKUT қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ОТМларни аккредитациядан ўтказди,
- ОТМлардаги таълим дастурлари ва ўқув курсларини аккредитациядан ўтказди,
- ОТМларда ички сифат кафолати тизимини баҳолайди,
- Касбий ОТМларни (tertiary vocational education) маҳаллий ва халқаро даражада тан олиншини таъминлайди.

Норвегия таълимида халқаро алоқаларни кўллаб қувватлаш ишлари «Норвегия олий таълимида халқаро ҳамкорлик маркази» ташкилот томонидан олиб борилади. Ушбу ташкилот қисқача SIU деб юритилиб, инглиз тилида Norwegian Center for International Cooperation in Higher Education деб аталади. SIU ташкилоти бир қанча йўналишлар бўйича иш олиб боради. Масалан, Марказий осие давлатлари ва Кавказ давлатлари учун «Евросие» дастури мавжуд. Шу билан бирга Ҳиндистон, Россия, Хитой, Лотин Америкаси мамлакатлари, Африка мамлакатлари учун хар бириги алоҳида дастурлар мавжуд. Евросие дастури доирасида шу пайтгача

Ўзбекистон учун 3 та лойиҳа танловдан ўтган ва молияланган. Биринчи лойиҳа УзМУнинг геология кафедраси ва Трёмсо университети билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлиб, унинг доирасида 20 га яқин талаба ва ўқитувчилар алмашинуви амалга оширилган. Қолган 2 та лойиҳа эса НамДУ ва Осло Акерхус амалий фанлар университет коллежи билан ҳамкорликда амалга оширилган. Ҳар икки лойиҳанинг асосий мақсади НамДУ профессор ўқитувчилари ва талабалари учун семинар тренинглар ташкил этиш эди. Унда асосан НамДУнинг инглиз тили ва лексика стилистика кафедраси ўқитувчилари ва инглиз тили йўналиши талабаларига чет тилларни ўқитиш ва ўрганишда маданиятлараро мулоқотнинг ўрни ва таржимашунослик ишлари соҳаларида Норвегия тажрибалари ўқитилди. Бундан ташқари, чет тилларни ўқитишда таржимашунослик ва маданиятлараро мулоқот кўникмаларининг долзарблиги, оғзаки нутқ ва таржимадаги трансформацион маъноларнинг маданият ва кадриятлар билан боғлиқлигини маъруза ва амалий семинарлар давомида ўргатилди. Шу билан бирга, НамДУнинг 10 нафар талаба ва ўқитувчилари 2013 йилда, яна 10 нафар ўқитувчилари 2015 йилда Ослода бўлиб ўтган семинарларда муваффақиятли иштирок этишди. Семинарлар давомида таржимашунослик, таълим менежменти, мактаб таълими, мактабгача таълим, маданиятлараро мулоқот каби мавзулар доирасида дарслар ташкил этилди. Норвегиядаги Осло университети, ўрта мактаблар, мактабгача таълим муассасаларига ҳам ташрифлар уюштирилди. Ҳозирда НамДУ ва Осло Акерхус амалий фанлар университет коллежи ўртасида алоқалар янада кенгайиши кутилмоқда ва Эрасмус+ дастурининг КА2 мобиллик йўналиши бўйича шартнома имзоланиши устида иш олиб борилмоқда. УзМУ ва НамДУдаги Норвегия ОТМлари билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар икки мамлакат ОТМлари ўзаро ўрганиши ва тажриба алмашиш мумкин бўлган ишлар талайгина. Педагогика ва ёшлар тарбияси масаласида Ўзбекистон ОТМларига норвегиялик ҳамкорлар катта қизиқиш билдиришган бўлса, ўзбекистонликлар учун табиий ва техника фанлари бўйича Норвегия тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Норвегия олий таълим тизими Европа қитъасидаги савияли ва илғор тажрибаларга бой бўлган тизимлардан бири эканлиги аён бўлди. Шу билан бирга ундаги камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, Норвегия ОТМлари давлат томонидан молияланишга қарамлиги тобора ошиб бормоқда. Бунда илмий тадқиқот ва инновациялардан келадиган бюджетдан ташқари маблағларни ошириш учун ҳаракатлар тобора сусайиб боришини кузатиш мумкин. Ваҳоланки, ҳозирги тез фурсатларда ривожланиб бораётган жамият, замонавий ОТМларнинг илмий ва академик хизмат кўрсатишини ошириш ҳисобига ўз молиявий даромадларини диверсификация қилиб боришини тақозо этади. Шу билан бирга, Норвегия ОТМларида ўқишга қизиқиш маҳаллий норвегиялик ёшлар орасида тобора пасайиб бормоқда. Бу борада Норвегиялик ҳамкорлар Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшлар сиёсати ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга бўлган эътиборнинг кучлилигини юқори баҳоладилар. Шундай экан, Ўзбекистон ва Норвегия ОТМлари ўртасида илмий ва академик ҳамкорликни тобора кенгайишида Эрасмус+ дастури асосий восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.